

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ ХУСНИДДИН АЛИҚУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ**  
**ЎЗГАРИШЛАР ДИНАМИКАСИ (ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАҲЛИЛ)**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Ахмедов Хусниддин Аликулович**

Ўзбекистонда жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикаси  
(ижтимоий-сиёсий таҳлил).....3

**Ахмедов Хусниддин Аликулович**

Динамика изменений духовной жизни общества в Узбекистане  
(социально-политический анализ) .....25

**Akhmedov Khusniddin Aliqulovich**

Dynamics of changes in the spiritual life in society in Uzbekistan  
(social-political analysis). .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХМЕДОВ ХУСНИДДИН АЛИҚУЛОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ**  
**ЎЗГАРИШЛАР ДИНАМИКАСИ (ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАҲЛИЛ)**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/Siyos22 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ik-sf.nuu.uz](http://www.ik-sf.nuu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ганиева Марифат Хабибовна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Ибодулла**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Қуронов Мухаммаджон Қуронович**  
педагогика фанлар доктори, профессор

**Назаров Насриддин Атакулович**  
сиёсий фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871)246-67-71; факс:(99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор.

**А.Д.Ташанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD).

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Умуминсониятга хос бўлган маънавий тараққиёт тамойиллари, унинг умумий қонуниятлари ва бу борадаги долзарб масалаларнинг глобал жиҳатлари халқларнинг миллий хусусиятлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бундай тарихий зарурат ва объектив ижтимоий-сиёсий жараён барча халқларнинг маънавий ҳаётининг ўзгаришлари ва динамикасига катта таъсир кўрсатмоқда. Дунёнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеликларнинг кескинлашуви, маънавий инқирозлар халқларнинг маънавий соҳага, унинг азалий қадриятларига нисбатан ёндашувларини ўзгартириб юбормоқда. Ана шундай мураккаб жараёнларнинг глобал кўлами ва миллий хусусиятлари билан боғлиқ масалаларни тизимли ўрганиш тобора долзарблашиб бормоқда.

Жаҳон мамлакатларида амалга оширилаётган тадқиқотларда кўпроқ маънавий ҳаёт ўзгаришлари ва динамикаси эмас, балки ахлоқий масалаларга аҳамият қаратилган. Шу билан бирга бутун дунё халқлари учун умумий қонуниятлар, маънавий ҳаёт ўзгаришларининг ривожланиш қонуниятлари ва уларга таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар ҳақида яхлит концептуал дастурларга зарурат сезилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, диссертация мавзусининг жаҳон фанида шаклланган ёндашувлар билан уйғунлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ҳаётни янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишини ислоҳ этиш ва янгилашда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилди. “Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир”.<sup>1</sup> Шунинг учун мамлакатимизнинг истиқлол йилларида яратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асослари янги замонавий тажрибалар билан бойитилиб, уларнинг эволюцион ривожланишига эришилмоқда. Бу жиҳатдан, жамият маънавий ҳаётининг бугунги тараққиёти ва истиқболлини белгилайдиган стратегик тамойилларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2017 йил 31 майдаги ПҚ-3022-сон “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2016. –Б.13.

“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамият маънавий ҳаёт динамикасига хос тадрижий тараққиётнинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш мақсад қилиб олинган мазкур диссертация ана шу ҳужжатларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар муаммоси жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, Woodrow Wilson International center for scholars (АҚШ), Stanford Universities premier research institute for the study of International Affairs (АҚШ), Center for International Studies University of Pittsburgh (АҚШ), Central Asian Studies, Jawaharlal Nehru University (Ҳиндистон), Research Institute for Languages and Cultures of Asia and Africa at the Tokyo University of Foreign Studies (Япония), Asia Research Institute (Жанубий Корея) кабиларда олиб борилмоқда. Россия ФАнинг Сиёсий тадқиқотлар институти (Россия), Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёнинг кўплаб етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида бу борада самарали муҳим илмий натижалар, жумладан, турли халқлар ва хилма-хил миллатларнинг маънавий ҳаёти учун муштарак тамойиллар ҳамда этник хусусиятлар аниқланган (Oxford University, Cambridge University, Manchester University (Буюк Британия), барча мамлакатларда демократик тараққиёт мезонлари, цивилизациялараро тўқнашувларнинг олдини олишда маънавият омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий имкониятлари аниқланган (Massachusetts Institute, Indiana University (АҚШ), Европа иттифоқида турли давлатларнинг маънавий ҳаёт тамойилларини белгилашда ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг миллий хусусиятлари ва умумевропа манфаатларини ҳисобга олиш минтақавий шарт-шароитлари очиқ берилган (Humboldt Universitat (Германия) the University of Sorbonne (Франция), миллий ўзликни асраш, японларнинг азалий кадриятларини замонавийлаштириш, япон миллий ғоясини асраб қолиш баробарида энг илғор ахборотлашган давлат тузиш воситалари яратилган (Kiofo University (Япония), корейс миллий анъаналари, урф-одатлари устувор бўлган маънавий ҳаёт тамойилларини замонавий тараққиёт талабларига мослаштириш йўллари

---

<sup>2</sup> <https://www.wilsoncenter.org/>, <https://www.ucis.pitt.edu/>, <https://www.toyo.ac.jp/site/acri/>, <http://crcas-areastudies.in/areastudies/>, <http://fsi.stanford.edu/>, <http://www.iacd.or.kr/>, <http://subsite.icu.ac.jp/research/iacs-en/>, <http://www.iaas.msu.ru/index.php/ru/>, <https://www.ivran.ru/>, <http://www.uzhistory.uz/>, <http://www.ifes-ras.ru/>, <https://www.iaaw.hu-berlin.de/>; <https://www.indiana.edu/>; <https://www.soas.ac.uk/>; <https://www.cambridge-centralasia.org/>; <https://www.oeaw.ac.at/iran/>; <https://www.gwu.edu/>; <https://manaviyat.uz>

аниқланган (National University of Seoul (Жанубий Корея); Россия ҳудудида яшовчи халқларнинг маънавий ҳаётига доир имкониятлари, миллий турфаликнинг зарурати асосланган (Москва давлат университети (Россия) ва Россия ФАнинг Социология илмий тадқиқотлар институти); маънавий ҳаёт мамлакат тараққиётида устувор соҳа бўлиб қолиши ва ислохотларни амалга оширишда миллий хусусиятларни инобатга олиш Республика Маънавият ва маърифат маркази (Ўзбекистон) бўйича самарали натижаларга эришган.

Ҳозирги даврдаги илмий тадқиқотларда маънавий ҳаёт билан боғлиқ муҳим жиҳатларга эътибор берилмоқда, хусусан, масаланинг умумбашарий жиҳатлари ва ҳозирги замон ахлоқ муаммоларини илмий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиш; дунёда демократик тараққиёт мезонлари, цивилизациялараро тўқнашувларнинг олдини олишда маънавият омилларидан фойдаланиш; глобаллашиб бораётган бугунги мураккаб шароитда миллий ўзликни асраш, халқларнинг азалий қадриятларини замонавийлаштириш, миллий анъаналарни асраб қолишда ахборотлашган давлатнинг роли; жамиятнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларини излаш, маънавий ҳаёт ва унинг тараққий этиш механизмларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик даврида мамлакатимизда маънавий ҳаёт соҳалари, бу жабҳанинг амалиёти ва унинг тармоқларига хос маърифий фаолиятни самарали ташкил қилиш масалалари давлатимиз раҳбарининг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” (-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016), “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” (-Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017) каби асарлари, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, шу йўналишдаги қарор ва фармонлар, Президентимизнинг жойлардаги нутқлари ҳамда маърузаларида яққол намоён бўлмоқда. Айни шу маънода, истиқлол йилларида халқимизнинг бунёдкорлик соҳасидаги самарали ишларини бошқарган давлатимиз раҳбарларининг ўтган йиллардаги ислохотчилик фаолияти ҳамда ушбу масалага бағишланган ғоя ва концепциялари тадқиқотимиз учун методологик аҳамиятга эга бўлди.

Мавзунинг ижтимоий-сиёсий таҳлили ва сиёсий фанлар нуқтаи назаридан талқинида Т.Жўраевнинг “Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик”, Ш.Пахрутдиновнинг “Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти”, М.Ганиеванинг “Особенности национального самосознания узбекистанцев”, И.Эргашевнинг “Сиёсат фалсафаси”, Н.Жўраевнинг “Янгиланишлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти”, А.Раҳмановнинг “Гражданское общество: достижения, проблемы, перспективы”, М.Қурошовнинг “Ўзбек характери ва миллий ғоя”, Р.Жумаевнинг “Политическая система Республики Узбекистан: становление и развития”, А.Муминовнинг “Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар”, А.Қодировнинг “Оммавий маданият: таъриф, таҳлил, аксилтехнологиялар”, М.Қирғизбоевнинг “Фуқаролик жамияти: назария ва

хорижий тажриба”, У.Идировнинг “Ўзбекистон: замонавий демократиялашув жараёнларининг концептуал асослари”, Н.Назаровнинг “Хикматлар фалсафаси ёхуд тафаккур хазинаси”, Р.Самаровнинг “Хавфсизликнинг методологик асослари”, А.Ўтамуродовнинг “Фуқаролик жамияти ғоялари эволюцияси”, Т.Алимардоновнинг “Сиёсат ва ахлоқ”, В.Кўчқоровнинг “Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар”, Ф.Равшановнинг “Миллий маънавиятга таҳдидлар” каби монография ҳамда китоблари муҳим аҳамиятга эга<sup>3</sup>.

Бугунги кунга келиб дунёдаги глобал муаммоларнинг кескинлашиши ва уларни бартараф этишнинг маънавий-мафкуравий омиллари билан боғлиқ масалаларни сиёсатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилишга эътибор кучайди. Бу борадаги хуруж ва таҳдидларнинг жамият маънавий ҳаётига салбий таъсирини бартараф этишнинг самарали йўл ва имкониятларини ўрганишга қаратилган изланишлар орасида Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, М.Ганиева, Қ.Назаров, И.Эргашев, Н.Жўраев, Б.Тўйчиев, Р.Жумаев, М.Жакбаров, Ф.Равшанов, О.Мусаев, С.Ғафуров, М.Муҳаммадсиддиқов, Ж.Мавлонов, Ш.Мавлонов, М.Қаҳҳорова, М.Юлдашева каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Ушбу йўналишда А.Бегматов, Т.Алимардонов, Ж.Бахронов, М.Қирғизбоев, Қ.Қуранбоев, В.Кўчқоров, И.Коренев, Ш.Мамадалиев, Н.Назаров, Н.Умарова каби олимларнинг илмий изланишларида ҳам биз танлаган мавзунинг ўз тадқиқотларига алоқадор баъзи жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий фанлар йўналишида кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар орасида А.Абдумаликовнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида шахс инфор­мацион маданиятини шакллантириш, Р.Жўраевнинг Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш механизмларини такомиллаштириш, Ф.Жўракуловнинг фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш,

<sup>3</sup> Бу ҳақда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да тўлиқ маълумот берилган.

<sup>4</sup> Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Тошкент, Академиа, 2011; Пахрутдинов Ш., Жўраев Т. ва бошқалар. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти -Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2008; Ганиева М.Х. Особенности национального самосознания узбекистанцев//Социологические исследования. 2008. Т. 7. № 1. Эргашев И. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва мафкуравий жараёнлар. –Тошкент, Ижод дунёси, 2002; Жўраев Н. Тарих фалсафаси. –Тошкент, Маънавият, 1999; Жўраев Н. Тарих фалсафаси. –Тошкент, Маънавият, 1999; Муминов А.Г. Национальная политика независимого Узбекистана и пути ее реализации в духовно-культурной сфере (теория и практика): Автореф.дис.докт.полит.наук. –Тошкент, ЎЗМУ, 1999; Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развития. –Тошкент, Фан, 1996; Қаҳҳорова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун дисс. автореферати. –Тошкент, ЎЗМУ, 2012; Усарова Ф.Х. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг миллий-ғоявий негизлари. Сиёсий фанлар номзоди учун ёзилган дисс. –Тошкент, 2008; Юлдашева М. Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш йўллари. Фалсафа фанлари номзоди учун ёзилган дисс. –Тошкент, 2010. Джураев Т.А. Философия безопасности: пределы переосмысления. –Ташкент, Узбекистан, 2013.

<sup>5</sup> Бегматов А. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. –Тошкент, Адолат, 2003; Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. –Тошкент, Шарқ, 2005; Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаш қонуниятлари. –Самарканд, 1995; Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. –Тошкент, Академия, 2007.

Ж.Мавлоновнинг фуқаролик жамиятига оид замонавий концептуал дискурснинг асосий йўналишлари, Т.Матибоевнинг Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари, С.Норқуловнинг мустақиллик даврида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланиши ва ижтимоий онгдаги ўзгаришларга бағишланган диссертацияларини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>6</sup>.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларда бизнинг мавзуимизга тегишли бўлган масалаларнинг баъзи томонлари таҳлил қилинган бўлса-да, аммо унинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари, бугунги жамиятимиз маънавий ҳаётининг динамикасини таъминлайдиган омиллар ва йўналишлар билан боғлиқ масалалар алоҳида диссертация мавзуси сифатида махсус ўрганилмаган.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ва бугунги кундаги туб ўзгаришлар таъсирида жамият маънавий ҳаётида рўй берган янгиланишлар, унинг динамикасини белгилаган йўналишлар, ушбу жараённинг самарали йўллари ва ўзига хос воситалари, халқимиз истикболи учун муҳим бўлган ижтимоий хусусиятлари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмаган.

**Диссертациянинг мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг маънавий омиллари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, маънавий ҳаётга хос ўзгаришлар динамикасининг қонуниятлари ва намоён бўлиш хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш учун қуйидаги **вазифалар** кўйилди:

“жамиятнинг маънавий ҳаёти” тушунчасини илмий тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиш, ушбу тушунчани сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таърифлаш ва тавсифлаш орқали уларнинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш ҳамда ўзига хос жиҳатларининг умумметодологик асосларини таҳлил қилиш;

жамият маънавий ҳаётининг генезиси ва динамикасига таъсир кўрсатган ижтимоий-сиёсий жараёнлар тадрижини таҳлил қилиш асосида бу соҳа билан боғлиқ туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда унинг мамлакатимизга хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида

---

<sup>6</sup> Жўраев Р. Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш механизмларини такомиллаштириш. Сиёсий фанлари доктори (DSc) дисс.автореферати. –Тошкент, ЎзМУ, 2017; Жўракулов Ф. Фуқаролик жамиятини қуриш шароитида давлат ижроия ҳокимияти тизимини модернизациялаш. Сиёсий фанлар доктори (DSc) дисс.автореферати. –Тошкент, ЎзМУ, 2018; Матибоев Т. Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизимини ривожлантириш омиллари. Социология фан доктори (DSc) дисс.автореферати. –Тошкент, ЎзМУ, 2018; Отакулов Ш. Ўзбекистонда сиёсий тартибот институтининг демократлашув жараёни. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферати. –Тошкент, ЎзМУ, 2017.

маънавий ҳаётга хос ривожланиш динамикасини жамият тараққиётининг устувор тенденцияси сифатидаги аҳамиятини кўрсатиш;

мустақиллик даврида жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш омиллари билан боғлиқ давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва такомиллашиб бориш динамикасини таҳлил қилиш орқали ушбу жараённинг самарасини янада ошириш йўллари ва имкониятларини очиб бериш;

бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга қаратилган туб ислоҳот ва ўзгаришлар жараёнида халқимиз маънавиятининг динамик тараққиётини таъминлашнинг самарали йўналишларига доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** жамиятнинг маънавий ҳаёти динамикасини таъминлаш омил ва шарт-шароитлари ҳамда ушбу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** жамият маънавий ҳаётининг динамикаси қонуниятлари ва хусусиятлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтларининг ушбу йўналишдаги фаолиятининг устувор йўналишлари ва уларнинг амалий натижаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, ретроспектив ва тизимли таҳлил, қиёслаш ва умумлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“жамиятнинг маънавий ҳаёти” ва “маънавий ҳаёт динамикаси” тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий, ўзгарувчан, интенсив ва тарбиявий жиҳатлари очиб берилган;

маънавий ҳаёт динамикасига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий омиллар трансформациясининг халқимизга хос оптимистик, толерантлик каби ментал жиҳатлари очиб берилган;

жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг устувор конструктив тенденцияларининг давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳудудлардаги тизимлар ривожига интенсив таъсири ҳамда унинг стратегик имкониятлари очиб берилган;

жамият маънавий ҳаётига хос ўзгаришларнинг самарасини ошириш жараёнидаги сиёсий маданият ва мафкура билан боғлиқ мантиқий алоқадорлик, узвийлик, ворисийлик каби хусусиятлари очиб берилган;

жамиятнинг янги қиёфасини яратиш жараёнидаги маънавий ҳаётнинг реал ҳолатини аниқлаш, ислоҳотларнинг маънавий мезонларини такомиллаштириш ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни баҳолашга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат: “жамиятнинг маънавий ҳаёти” тушунчасининг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ ўрганиш, бу соҳа билан боғлиқ ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг умумий қонуниятлари ҳамда унинг мамлакатимизга хос намоён бўлиш хусусиятлари асосланган;

жамиятнинг маънавий ҳаёт динамикасини таъминлаш, бу борадаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларини таҳлил қилиш, унга таъсир

кўрсатадиган иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий омиллари очиб берилган;

жамиятнинг маънавий ҳаёт динамикасини таъминлашга қаратилган назарий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар илгари сурилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертациянинг сиёсий фанларда эътироф этилган методологик қарашлар, назарий ёндашув ва парадигмаларга асослангани, республикамизнинг маънавий ҳаёти ва давлатимизнинг бу борадаги сиёсатига доир қонунлар, Президент фармонлари ва бошқа кўплаб ҳужжатларга таянилгани, турли илмий ва оммабоп адабиётлардан фойдаланилгани билан изоҳланади. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақидаги тақризлар, изланишлар натижасида шаклланган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда уларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани ҳам тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация жамият маънавий ҳаётининг динамик тараққиёти ва уни таъминлайдиган омиллар ҳамда амалий фаолият механизмини самарали ташкил қилиш масалалари билан боғлиқ долзарб мавзуни, янада янгича ёндашувлар асосида ҳали ўрганилмаган муҳим жиҳатлар, турли маълумотлар, статистик далил ва хулосалар билан тўлдиради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ҳамда тавсиялардан жамият маънавий ҳаётини янада мукаммаллаштириш билан боғлиқ мавзунинг турли жиҳатларини, мамлакатимизда бу борадаги ютуқ ва натижаларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш, унинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган фаолиятни самарали ташкил этишда давлат ташкилотлари ҳамда турли нодавлат муассасалар, Республика Маънавият тарғибот маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари, маънавий-маърифий тарбия бўйича хизматчилар ва мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, педагог ва тарбиячилар ҳам ижодий фойдаланишлари мумкин. Диссертациядаги илмий маълумотлар, назарий таҳлил ва умумлашмалардан, тавсиялардан таълим-тарбия тизимида “Сиёсатшунослик”, “Сиёсат фалсафаси”, “Миллий ғоя ва Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” каби фанлардан маърузалар ўқиш, амалий машғулотлар ташкил этиш, ўқув қўлланмалар, дастурлар, амалий режалар тайёрлашда ижодий фойдаланиш имкони мавжуд. Диссертация матни ва унда баён этилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва хулосалар жамият ҳаётининг маънавий соҳаси ҳамда у билан боғлиқ мавзулар бўйича амалга ошириладиган тадқиқотлар учун ҳам муайян манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг натижалари, ундаги илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилаётгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

жамият маънавий ҳаётининг динамикасига таъсир кўрсатадиган давлат

қурилиши, ҳокимиятлар бўлиниши каби ижтимоий-сиёсий омиллар, соҳадаги тафаккур ўзгариши, янгиланишлар жараёнининг мамлакатимизга хос жиҳатларига доир илмий натижаларидан “Fuqarolik jamiyati fanidan tushuncha va tamoyillar” луғатидаги ижтимоий-сиёсий атамалар таърифни ёритишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 89-03-2354-сон маълумотномаси). Натижада мазкур луғатнинг маъно-мазмунни, жамиятнинг маънавий ҳаёти динамикаси каби тушунчалар билан бойитилди, улар асосида ёшлар онгига фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрларни сингдириш бўйича таъсирчанлигини ортди;

жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг устувор конструктив тенденцияларининг ижтимоий-сиёсий тузилмалар, марказ ва ҳудудлардаги тизимлар ривожига таъсири ва натижаларига қаратилган хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ қилиш соҳасидаги фаолиятида фойдаланилди (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 20 июлдаги 01/09-847-18-сон маълумотномаси). Натижада Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар” Дастурининг VI боби “Жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий кадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар” қисмида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилди;

жамият маънавий ҳаётига хос ўзгаришларнинг самарасини ошириш жараёнидаги сиёсий маданият ва мафкура билан боғлиқ ўзаро алоқадорлик, узвийлик, тизимли хусусиятларига доир таклифлардан “Тараққиёт стратегияси” марказининг хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлари доирасидаги норматив-ҳуқуқий ва шартномавий базаларни таҳлил қилиш борасидаги фаолиятида фойдаланилди (“Тараққиёт стратегияси” марказининг 2018 йил 17 июлдаги 1075/18-сон маълумотномаси). Натижада Ҳаракатлар стратегияси ва унинг асосидаги давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича аҳолининг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, улар юзасидан илмий-амалий жиҳатга эга бўлган ҳужжатларни ишлаб чиқишга эришилди;

тадқиқотнинг “жамиятнинг маънавий ҳаёти” ва “маънавий ҳаёт динамикаси” каби тушунчалар талкинидан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан тайёрланган “Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати”ни тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2018 йил 14 сентябрдаги №22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу илмий-фалсафий луғат маънавий ҳаётга тааллуқли янги атамалар билан бойиди ва бу жамият маънавий ҳаётининг анъанавий қабул қилинган таърифларини янги мазмуний жиҳатлар билан тўлдиришга хизмат

қилди;

халқимиз маънавиятини янги босқичга кўтариш механизмлари, жамият маънавий ҳаётини янги мазмун билан тўлдириш, юксак маънавий кадриятларни барқарор қилиш борасидаги маданий муассасалар фаолият натижаларининг динамик тарзда ўсиб бориш жараёнини янада самарали ташкил қилиш, такомиллаштириш борасидаги таклифларидан Ўзбекистон Республика Маданият вазирлиги фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 17 июлдаги 01-11-10-4980-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш, маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишга хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 18 таси республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация “Кириш”, тўрт боб, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 212 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва уни ўрганиш зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган янгилик ва натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилингани, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Давлат сиёсатининг маънавий ҳаёт билан боғлиқ таянч тушунчаларини илмий ўрганиш масалалари”** деб номланган ва унда мавзунинг назарий жиҳатлари ўрганилган, хусусан, “жамиятнинг маънавий ҳаёти” тушунчаси илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган.

Сиёсий фанлар тарихида “жамият маънавий ҳаёти” ибораси кам қўлланган бўлса-да, унга доир билимлар турлича ифодаланган. Бу жиҳатдан ушбу тушунчани барча маънавий воқеа-ҳодисалар ҳаракати юз берадиган умумий соҳа ҳамда бу жабҳадаги маънавий кадриятлар мажмуидан иборат ижтимоий ҳодиса, деб тушуниш шаклланган. Бундай ёндашувга кўра, азал-азалдан жамият маънавий ҳаёти ҳар бир инсон ижтимоий ҳаётининг

маънавий, руҳий ва маърифий асоси сифатида тушуниб келинган. Айни пайтда, ушбу ёндашув инсоният тарихини маънавий жараёнлар тадрижи сифатида тасаввур ва талқин қилиш учун асос бўлган.

Шу жиҳатдан, диссертацияда жамиятнинг инсон моҳияти билан узвий ва ўзаро боғлиқ моддий ва маънавий соҳаларининг алоқадорлиги муаммосига эътибор қаратилган. Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан, жамиятнинг маънавий ҳаёти, ўз навбатида, муайян сиёсий воқеликни рационал-назарий ўзлаштириш ҳамдир.

Ҳозирги кунга келиб, маънавият соҳасидаги парадигмалар ҳам, маънавий кадриятлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам тез ўзгариб ва янгиланиб бормоқда. Шунинг учун, аввало, “Жамиятнинг маънавий ҳаёти” атамасининг асл ижтимоий-сиёсий маъноси ва унинг тушунилишига доир хусусият ва мезонларни аниқлаштирилган. Бу ҳақда мавжуд бўлган ҳамда ҳозирда ҳам ўз таъсирини йўқотмаган масала ва муаммолар чуқур ўрганилган.

“Жамиятнинг маънавий ҳаёти” инсониятнинг табиий-тарихий ривожланиши жараёнида шаклланадиган, кўплаб умумий жиҳатлар билан тавсифланадиган ва ўзига хос тарзда намоён бўладиган ижтимоий-сиёсий мазмун-моҳиятни ҳам ифодаладиган тушунчадир.

Маънавият оламининг энг муҳим кўринишларидан бирини ифодаладиган ушбу тушунча ва ҳодиса таъсирида инсон фаолияти ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳалари янгиланади, ривожланади, ўз навбатида, уни муттасил яратиб туради ва доимий мавжудлигини таъминлайди. Айни пайтда, ушбу тушунча бу борадаги кадриятлар, ахлоқий меъёр ва технологиялар тизимини англаш, маънавият, маърифат ва маданиятнинг олий ютуқлари ворислиги, анъаналар ва новациялар мулоқотини, жамият тафаккури ҳамда келажак стратегиясини барпо этишга қодир бўлган кенг қамровли ва бошқариладиган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзида акс эттиради.

Шунинг учун, диссертацияда маънавий ҳаётнинг ўзига хослиги ва жамиятнинг бошқа соҳалари билан узвий алоқадорлиги масаласига алоҳида аҳамият берилган. Бу, ўз навбатида, жамият маънавий ҳаётининг умуминсоний, миллий, муайян қатлам, алоҳида шахслар ва бошқа ижтимоий субъектларга доир умумий ҳамда хусусий қиёфасини тасаввур қилиш, шу асосда унинг асосий намоён бўлиш хусусиятларини тавсифлаш имконини беради. Жамиятнинг маънавий ҳаёти:

- жамиятнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган муайян маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён бўлади, жамият аъзолари онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос ҳодиса сифатида таъсир қилади;

- сиёсий жараён ва маънавий кадриятлар жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлари ва ижтимоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради, бу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун муайян мезон бўлиб хизмат қилади;

- жамиятнинг моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларида муайян натижа сифатида юзага келади, ўз навбатида, унинг

аъзолари учун ижтимоий зарурият, умумий мезон сифатида ўзига хос тарзда таъсир қилиш хусусиятига ҳам эга бўлади;

- динамик тушунча сифатида сиёсий жараёнлар ва ижтимоий ривожланиш таъсирида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, доимо янгиланиб туради, шу билан бирга, ворислик орқали авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Ушбу қайд қилинганлар ҳар қандай жамият, жумладан, Ўзбекистондаги маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, ҳар бир инсон ҳаёти ва фаолияти, шахс камолоти, турли муносабатлар ҳамда таълим-тарбия билан боғлиқ ижтимоий муҳитнинг энг умумий хоссаларини ифодалашидан далолат беради.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти ва у билан боғлиқ омил ҳамда тамойиллар тизими унинг ўзи билан бирга турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб туриши ушбу соҳанинг муҳим қонуниятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур қонуниятга кўра, ҳар бир жамият ўз маънавий ҳаёт тизимини сақлаб туриши, уни эзгу амаллар билан озиқлантириб бориши, келажакка эсон-омон етказиши учун масъулдир.

Бу диссертацияда “маънавий ҳаёт динамикаси” тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятларига алоҳида аҳамият берилишига сабаб бўлди. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятнинг маънавий ҳаёт динамикасини сақлаш зарурияти, ҳар бир даврда пайдо бўлаётган замонавий муаммоларга янгича нуқтаи назардан қараш, кишиларнинг дунёқараши, фаолияти, маънавий қиёфасида умуминсонийлик талабларига мос келадиган хусусиятларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

“Маънавий ҳаёт динамикаси” тушунчаси жамият тараққиёти жараёнида вужудга келади, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб, такомиллашиб, янги-янги жиҳатларни муттасил шакллантириб боради, иккинчидан, замонлар ўтиши, давр ва авлодлар алмашиши билан боғлиқ турли омиллар таъсири остида янгиланади, ўзгаради ва ривожланади. Ушбу жараён халқнинг миллий менталитети ва ижтимоий тафаккурининг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг ўзига хослигини белгилайдиган мезон ҳамда омилларни шакллантиришга хизмат қилади.

Бошқа томондан эса, “маънавий ҳаёт динамикаси” жамият ва давлат ҳаётининг энг умумий соҳаларига тегишли бўлган, уларнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажagini, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидалари, талаб ва тартибларини, азалий орзу-умидлар ва идеалларни ҳам муайян даражада ифодалайдиган тушунчадир. Ушбу тушунча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамият касб этади, ҳаётда рўй бераётган ўзгаришлар, кишиларнинг хатти-ҳаракатлари, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабатини белгилайди, барча инсонлар учун парадигмал хусусиятга эга бўлган муҳим ижтимоий мезонлардан бири сифатида намоён бўлади.

Шу тариқа, маънавий ҳаётда макон ва замондаги ижтимоий ҳаракатлар ворислиги ва мунтазамлиги намоён бўлади. Бундай жараён туфайли жамиятда мавжуд анъана ва меъёрлар сақлаб турилади, шу асосда

шаклланган маънавий ҳаётда жадал ўзгараётган ижтимоий муҳит таъсирига нисбатан акс таъсир амалга ошади. Яъни, маънавий ҳаёт ҳар бир янгиликни кўр-кўрона тасдиқлашга қаршилиқ қилишга қодирлигини кўрсатади. Унинг замон билан боғлиқ бундай ўзгартирувчанлик жиҳати ҳаракатнинг ижтимоий шаклига хос бўлиб, жамият маънавий ҳаётининг фундаментал хусусиятларини акс эттиради. Ўз навбатида, ушбу хусусиятлар истиқлол йилларида одамларнинг онги ва тафакқурини ўзгартириш, жамиятнинг янги маънавий тизимини шакллантириш билан боғлиқ серқирра ислохотларни амалга оширишнинг аҳамиятини англашда муҳим мезон вазифасини ўтайди.

Бу жиҳатдан, айтиш мумкинми, тадқиқот мантиғига мос равишда, замонавий Ўзбекистон жамиятининг маънавий ҳаётига хос динамик жараёни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан тўғри тушуниш учун, ушбу тушунча ва у ҳақдаги тасаввурларнинг юртимиз тарихидаги шаклланиш жараёни, яъни унинг ўзига хос генезиси ва такомил билан боғлиқ масалаларга мувожаат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар генезиси ва динамикасига таъсири”** билан боғлиқ масалалар чуқур ўрганилган ва уларнинг турли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Жамият маънавий ҳаётига хос ўзгаришларнинг генезиси ва динамикасининг умумий қонуниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари ва такомил босқичларини халқимиз тарихи, миллий давлатчилик анъаналари, бу борадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар тадрижи тадқиқ этилган.

Жамият тараққиёти жараёнида бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтилганида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, унинг маънавий ҳаётида ҳам муайян ўзгаришлар рўй бериши табиий ҳолат ҳисобланади. Ушбу мураккаб ва серқирра янгиланиш жараёнида маънавий ҳаётнинг барча жиҳат ҳамда хусусиятлари янги даврнинг ижтимоий тузилиши ва замона реалликларининг талабларига мос келадиган, эски ҳаёт мазмун-моҳиятидан турли даражада фарқ қиладиган янги маънавий тизим сифатида шаклланади, ушбу тизим муқаррар тарзда такомиллашиб боради.

Мазкур жараён жамият ҳаётининг бир босқичидан иккинчисига ўтиш даври, бу борадаги динамик ўзгаришларнинг бир сифат ва мазмундан иккинчи сифат ва мазмунга айланиш давридир. Жамият маънавий ҳаётининг ижтимоий тараққиётига боғлиқлигини яққол кўрсатадиган ушбу серқирра жараён ҳар қандай ижтимоий ривожланиш босқичининг умумий тузилишига мос келадиган ва барча ижтимоий субъектлар учун умумий бўлган маънавий тизимнинг мавжуд бўлишини англатади.

Мазкур мавзу ва унга алоқадор масалаларни бундай талқин қилиш халқимизга хос маънавий ҳаёт динамикасининг намоён бўлиши, ривожланиш жараёнида, келажакка томон такомиллашиб ва янгиланиб туриши, яъни этноижтимоий ҳодиса сифатидаги ҳаракатини, замонлар алмашинуви билан боғлиқ ўзгаришлар жараёнини таҳлил қилиш имконини яратади. Бу борада халқнинг миллий давлатчилиги барқарор бўлган ва маънавий ҳаёт

динамикаси юксакликка кўтарилганида бошқа соҳалар ҳам жадал ривожлангани, аксинча, миллий давлатчилигини бой берган ва таназзулга учраган даврларда маънавиятнинг турғунликка учрагани ёки аҳамиятини йўқотиб қўйганига мисоллар кўп.

Диссертациянинг мазкур бобида истибдод ва мустамлакачилик замонларида маънавиятга бир томонлама кемтик муносабатнинг оқибатлари ҳамда унинг мамлакатимиз маънавий ҳаётининг бугунги кундаги ривожланиш ва такомиллашуви жараёнлари учун аҳамиятини тўла-тўқисанглаш, ва унинг қадрини тушуниш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Бунда, аввало, халқимиз бошидан кечирган истиқлол ва истибдод даврларида жамият маънавий ҳаётига таъсир кўрсатган ижтимоий-сиёсий омиллар генезиси ва динамикасининг намоён бўлиш хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилган. Бу ўз навбатида, халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган маънавияти, уни ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, узоқ тарихий жараёнда шакллангани ва ривожлангани, шу соҳага оид тушунча ва тамойиллар ҳамда қадриятлар бир неча минг йиллик даврни мужассамлаштирган юртимиз цивилизацияси асосида яратилганини асослаш учун замин яратади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида маънавий ҳаёт соҳасида рўй берган турли жараёнлар тадрижи ва таҳлилини собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги даврига хос таназзул ва унинг оқибатларини ўрганмасдан амалга ошириб бўлмайди ва бу масалага муносабат билдириш лозим.

Собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнгги таназзул даврига хос шароитни ўзгартириш, бошқа йўлга ўтиш зарур эди, ўша даврдаёқ бу борада айрим ишлар амалга оширилаётган эди. Масалан, мустақилликдан икки йил муқаддам ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ана шундай қадамлардан бири эди. Худди шундай, халқимизнинг асрий анъаналари ва урф-одатларининг яққол намунаси бўлган “Наврўз”нинг умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳам сиёсий мустақиллик сари йўлнинг бошланишига мисол сифатида қаралиши мумкин, албатта.

Ушбу қайд этилганларнинг барчаси табиийки, истиқлол арафасидаги маънавий соҳадаги жараёнлар тадрижига хос масалани бутун жиҳатлари ва қирраларини акс эттирмайди, аммо принципиал жиҳатдан ёндашганда, бунда ўша даврдаги маънавият соҳасидаги сиёсатни моделлаштириш учун назарий асос ўз аксини топган. Бинобарин, истиқлол арафасига келиб тилга олинган муаммоларнинг ҳал этилмаслиги бу борадаги фаолият ва муносабатларда, айниқса, маънавий-маънавий соҳалардаги жараёнларга хос зиддиятларни чуқурлаштириб юбориши мумкинлиги ўша даврнинг асосий хусусиятларидан бири бўлганини бугун ҳеч ким рад қила олмайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқлол арафаси ҳам ўтмишга айланиб, мамлакатимиз тарихи сафидан жой олди. Бу жиҳатдан унга нисбатан қуйидагича ёндашув муҳим аҳамиятга эга: “Биз ўтмишни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. ...Аммо, албатта, ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам, кекса авлодларнинг

пешона тери билан ва қони билан суғорилганлигини назарда тутиб, шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий тарбияси олдида кечирилмас хато бўлур эди”<sup>7</sup>.

Шунинг учун мустақилликка эришиш арафасидаги воқеа ва ҳодисалар жараёнини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг кейинги тадрижини таҳлил қилиш ва истиқлол даврида уни янада ривожлантиришнинг тадрижий тамойилларини белгилаб олиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгаллиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Тадқиқотнинг бу ҳақдаги давоми маънавий ҳаёт ўзгариши ва динамикасидаги турли-туман жараёнларни Ўзбекистон маънавиятининг истиқлолга эришилганидан кейинги ривожланиши ва тараққиёт босқичларида рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар билан қиёслаш, истиқлол йилларида бу соҳада эришилган ютуқлар ва қўлга киритилган натижаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, уларнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаш имконини беради. Шу сабабдан, диссертациянинг учинчи бобида **“Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти - маънавий ҳаёт ўзгаришлари динамикасининг ижтимоий-сиёсий асоси”** эканлиги кўплаб мисол ва далилларга таяниб, илмий ва амалий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилинган.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бориш жараёнининг жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг асоси сифатидаги таҳлили ўтган давр мобайнида бу соҳада амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусияти ва ривожланиш босқичларини аниқ далиллар асосида ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб олиш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги маънавий ривожланиши учун асос бўлган мустақил тараққиёт йўлини уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Яъни, жамият маънавий ҳаёти янгиланишининг миллий давлатчилик асосларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жараёни бошланиши, яъни 1991-2000 йилларни биринчи босқич, дейиш мумкин. Бу янги жамиятга мос маънавиятни тараққий эттириш соҳасидаги муҳим ўтиш давридир. Бу давр истиқлолнинг илк йиллари, бизнинг мавзуимиз нуқтаи назаридан эса, жамиятимиз маънавий ҳаёти динамикасини таъминлашнинг илк асослари яратила бошлаган ривожланиш босқичи сифатида тарихдан жой олди.

2001 йилдан 2016 йил охиригача, яъни ҳаётнинг барча соҳалари каби, маънавият жабҳасида ҳам амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари бу борадаги янгиланиш ҳамда фаол демократик ўзгаришларнинг асосий мезонига айланган, жамият ҳаётининг барча

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012. - Б.166.

соҳаларини изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ўз тарихий ўрнига эга бўлди.

Учинчи босқич 2016 йилнинг охиридан, яъни мамлакатимизга Президент Ш.Мирзиёев раҳбарлик қилаётган ҳозирги даврдан иборат. Айнан ана шу давр маънавий тараққиётнинг асосий тамойиллари Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган ва мамлакатимиз тараққиётининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га таянади. Давлатимиз раҳбари томонидан унинг асосий йўналишлари белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегияси ҳаётимизнинг барча соҳалари каби маънавий тараққиёт борасидаги ишларимиз учун ҳам муҳим ривожланиш дастуридир.

Бу даврларнинг ҳар бирини махсус ўрганиш, мустақиллик йилларида маънавият соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар динамикасининг тадрижий тарзда амалга оширилиши исботлаш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу серқирра ва сермашаққат даврларнинг халқимиз маънавий тараққиётида муҳим босқич сифатидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатади. Айни пайтда, бу истиклол йилларида мамлакатимизда мазкур жараённинг самарасини ошириш борасидаги ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши таъминлаш вазифаларининг қандай бажарилганини, яъни маънавий ҳаётнинг ўзгаришлар динамикаси қай тарзда рўй берганини яққол тасаввур қилиш имконини ҳам беради.

Диссертацияда ана шу жараённинг мантиғига асосан, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичи ва жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар динамикасининг илк асослари яратилиши масаласи изчил ўрганилган. Шу билан бирга, ўша серқирра ва сермашаққат даврнинг мустақил Ўзбекистон маънавияти тараққиётида муҳим босқич сифатидаги ўрни, аҳамияти далил ва мисоллар ёрдамида аниқ кўрсатилган.

